Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 8 октябрь, шанба • № 81 (11.780) • Эркин нархда сотилади

## ИНТЕГРАЦИЯНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг 6-7 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашди.**

2002 йил 28 февраль куни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида ташкил этилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг қисқа тарихида талай ишларни амалга оширди. Унинг мақсад ва вазифалари сифатида барча аъзо давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, транспорт тизимининг умуммintақавий инфратузилмасини барпо этиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш каби муҳим йўналишлар белгилаб олинган эди.

Ушбу мақсадларнинг барчаси ялпи хавфсизлик ва умумий тараққиётни таъминлашга қаратилган. Бунинг иқтисодий ва сиёсий асослари ҳам бор. Халқ хўжалиги бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлиги боис ташкилот аъзоларининг алоҳида-алоҳида иқтисодий тараққиётга эришишини ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришини тасаввур этиш қийин. Демак, минтақа давлатлари ва халқларининг бир-бири билан ҳамкорлик қилиб яшаши – тақдири азалнинг ҳукми. Марказий Осиё давлатларида маданий қадриятлар ва миллий урф-одатларнинг ўзаро яқинлиги ҳам ана шу азалий ҳақиқатни тасдиқлайди.

Албатта, ташкилот ўз олдига қўйган барча мақсадларга эришди, деб бўлмайди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, аввало, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий манфаатлари бор ва бу – табиий ҳол. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини ривожлантиришда айрим миллий манфаатларнинг умуммintақавий манфаатлардан устун қўйилиши қарорлар қабул қилишга, эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишга маълум маънода тўсиқ бўлиб келди.

Ташкилот аъзолари глобаллашув жараёнининг ижобий томонларидан фойдаланган ҳолда, салбий жиҳатларининг таъсирини ҳам бошдан кечирди. Минтақавий интеграцияни ривожлантириш ишига, бу ердаги ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий жараёнларга, воқеалар ривожига ташқи аралашувнинг бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг Санкт-Петербург саммитида ўтган даврда қилинган ишлар ана шу нуқтаи назардан сарҳисоб қилинди. Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувида президентлар сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқалар, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгайтирилган тартибдаги музокара асосан савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларининг муҳокамасига бағишланди. Ҳукуматлараро ишчи гуруҳ террорчилик ташкилотлари ва диний-экстремистик гуруҳлар ҳамда уларнинг раҳбарлари ва аъзолари рўйхатини тузиб бораётганлиги, парламент вакиллари миллий қонун ҳужжатларини ўзаро уйғунлаштириш борасида иш юритаётгани таъкидланди. Президентлар миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши томонидан тақдим этилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш концепциясининг лойиҳасини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар.

Ташкилот доирасида парламентлар раҳбарларининг мунтазам мулоқотларини ҳамда ишбилармон доираларнинг минтақавий бизнес-форумларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Санкт-Петербургда бу анъанани янада жонлантиришга, ижтимоий-маданий соҳа вакилларининг ҳам форумини ташкил этишга келишиб олинди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг бу галги саммити Евроосиёда интеграциялашув жараёнидаги бурилиш нуқтаси бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Евроосиё маконида иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИҲ) негизида янги ЕОИҲни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ислом Каримов бунинг сабабларини изоҳлар экан, ҳозирги воқелик ана шундай қарор қабул қилишни тақозо этаётганини таъкидлади.

Аслида бу ишни анчадан буён давр талаб қилаётган эди. Бинобарин, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти қисқа вақтда каттагина тараққиёт йўлини босиб ўтди. ЕОИҲ ҳам муайян ютуқларни қўлга киритди. Холисона айтганда, мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари деярли фарқ қилмайди. Аъзолар ўртасидаги фарқ ҳам жуда кам. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига Беларусь, ЕОИҲга Ўзбекистон қўшилмаган эди. Янги тузилма вақтни тежаш, бир масалани икки марта муҳокама қилмаслик ва икки марта қарор чиқармаслик, ортиқча ташкилий сарф-харажатлардан чекиниш имконини беради. Шу боис саммит қатнашчилари Президент Ислом Каримовнинг ташаббусини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Янги тузилмани Беларусь ҳам қўллаб-қувватлагани маълум қилинди.

Санкт-Петербург саммити ана шундай муҳим натижа билан якунланди. Таъкидлаш жоизки, президентлар эришилган келишувлардан мамнуният изҳор этдилар. Бу ўзаро ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган давлатларнинг йирик жуғрофий маконни эгаллаган, улкан салоҳият ва имкониятларга эга бўлган минтақада янада фаол янги интеграция йўлини танлаганидан далолатдир.

Саммит доирасидаги музокаралар якунланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. Россия раҳбари Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, интеграция жараёнларини фаоллаштиришда Ўзбекистоннинг муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ислом Каримов Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар стратегик ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланаётганини, Ўзбекистон ушбу мамлакатнинг «дўст кулфатда билинади» деган нақлга асосланган сиёсатини юксак қадрлашини алоҳида қайд этди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шунингдек, сафар асносида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Қирғизистон Президенти Қурманбек Бакиев билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент – Санкт-Петербург – Тошкент.**

## ТЕРРОРГА ЎРИН ЙЎҚ

**Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтган «Қуръон тинчлик ва тараққиёт учун» мавзуидаги миллий семинар доирасида 2005 йил 13 май куни Андижон шаҳрида бўлиб ўтган воқеаларга бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.**

Фильмда террорчиларнинг ваҳшийликларини ўзида акс эттирган ҳужжатли лавҳалар семинар иштирокчиларининг Андижон воқеалари тўғрисидаги ҳаққоний тасаввурларини янада бойитди.

Анжуман иштирокчиларига мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний эътиқод учун яратилган катта шарт-шароитлар, ислом тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк боболарларимиз, шунингдек, Андижондаги хуружларни ташкил этиш ва амалга оширганликда айбланаётган бир гуруҳ шахслар устидан олиб борилаётган суд жараёни тўғрисида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

Семинарда сўзга чиққан Ҳиндистон парламенти юқори палатаси (Ражья Сабҳа) аъзоси Убайдулла Хон Азмий қўлга қурол олиб, одамларнинг тинч-осойишта ҳаётига раҳна солган кимсаларни фақат «террорчи», деб аташ мумкинлигини айтди.

Тадбир ислом дини ва унинг дунё халқлари ҳаётидаги ўрни борасидаги фойдали мулоҳазаларга, ўзаро фикр алмашувларга бой бўлди. Бу семинар ҳам ҳинд жамоатчилигининг мамлакатимизга, унда кечаётган ўзгаришларга қизиқиши катта эканини яна бир бор намоён этди.

**С. СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

*Пахта – 2005*



## ЧИНОЗ: ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИ БАЖАРИЛДИ

**Интилиш, изланиш, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик... Чинозлик пахтакорлар ҳақида гап бориб, у ёки бу ютуқларига таъриф бериладиган бўлса, юқоридаги сўзлар, албатта, тилга олинади. Бундай инсоний хислатлар қайси соҳада бўлмасин, барқарорликни таъминлаши муқаррар эканлигини ҳам айнан Чиноз тумани пахтакорлари исботладилар.**

Шундай дейишимизга асос бор. Мана, бир неча йилдирки, чинозликлар давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштириш шартнома мажбуриятларини вилоятда биринчи бўлиб бажариб келадилар. Айрим туманлар қатор йиллар давомида шартнома режасини сурункали барбод қилиб келаётган пайтда Чиноз тумани пахтакорларининг ҳар йили канда қилмай ва, айниқса, биринчи бўлиб бажаришлари ҳар қанча олқиш ва таҳсинга лойиқдир.

Туман меҳнаткашлари 7500 гектар майдонда ҳар йилгидек, мўл ва эртаки ҳосил етиштиришга эришдилар. Таъкидлаш жоизки, биринчи теримнинг ўзидаёқ йиллик шартнома режасини қарийб 95 фоизга етказиб қўйишга вилоятда ҳали бирорта туман эришмаган эди. Чинозликлар бу борада ҳам бошқаларга ўрнак кўрсатдилар. Далада ҳосил мўл бўлса, теримда суръат ва унум, хирмонда эса барака бўлади. Туманда бир неча кун давомида йиллик режанинг 5 фоизидан ошириб хом ашё тайёрланганлиги шартнома мажбуриятининг энг қисқа муддат — 21 иш кунида бажарилишини таъминлади. Бу соҳада ҳам чинозликлар биринчи бўлишди. Зеро, бошқа бирорта туман ҳали йиғимтеримда бундай суръатга эришмаган.

Ҳар йилгидек, барча ширкат хўжаликлари туманнинг умумий хирмони қисқа муддатда барпо этилишига муносиб ҳисса қўшди. Чунончи, бугунги кунгача «Эшонобод» ширкат хўжалиги 1515 тонна, «Дўстлик» 1265 тонна, «Гулзоробод» 1232 тонна, Навоий номли ширкат хўжалиги 1014 тонна сифатли хом ашё сотишга эришди. Бу хўжаликларда ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 35 центнерга етиб қолди.

Фермер хўжаликларининг ушбу ютуқда салмоқли ҳиссалари борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Муқимий», «Бозорбой Ҳусанов», «Ўринбой» каби фермер хўжаликлари ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, умумий хирмонга барака киритди.

Эътироф этиш керакки, ҳар мавсум туманда пахта йиғим-терими билан боғлиқ тадбирлар оқилона ва пухта ташкил этилади. Далаларда қулай шарт-шароит яратилиши, терилган пахта учун вақтида ва узилишларсиз ҳақ тўлаб борилиши боис хўжалик аъзолари ҳам, маҳаллий уюшмаган аҳоли ҳам теримда фаол иштирок этди. Терим оммавий бошланиб кетган кезларда кунига 12 минг 500 киши пахтазорга чиқди.

Бу йил қўл терими иштирокчиларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилди. Аввало, беистисно барча хўжаликларда маҳаллий теримчилар учун бепул иссиқ овқатлар ташкил этилди. Энг муҳими эса, кунлик терилган пахта учун шу куннинг ўзида нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиб борилди.

Хулоса қилиб айтганда, йил бошидан қилинган оқилона меҳнат ўз самарасини берди. Туман пахтакорлари шартнома мажбуриятида белгиланган 19 минг 880 тонна ўрнига қарийб 20 000 тонна сифатли хом ашё топширдилар. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 26,7 центнердан тўғри келди.

Режа бажарилган бўлсада, йиғим-терим сусайтирилгани йўқ. Зеро, ҳали далада ҳосил кўп. Иккинчи теримга эндигина тушилди. Туман меҳнаткашлари мавжуд имкониятларни чамалаб кўриб, давлатга яна 4000 тонна хом ашё сотиш ва умумий ҳосилдорликни 32 центнерга етказишни режалаштирдилар.



**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Усмонали Умаров (ўнгдан иккинчи) «Гулзоробод» ширкат хўжалиги мутахассислари ва пудратчилари билан пахта майдонларини ҳосилдан тозалаш хусусида маслаҳатлашмоқда; «Бозорбой Ҳусанов» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Ҳусанов режани тўққиз иш кунида бажарганидан мамнун.*

**Даврон АҲМАД ва Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

## ТЕРИМЧИЛАР УЧУН СОВҒАЛАР

**Касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши шу кунларда пахтакорларни рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар ташкил этиб, етиштирилган ҳосил ёғин-сочинли кунларга қолдирмай териб олинишига мададкор бўлаяпти.**

Чунончи, Янгийўл туманининг қатор ширкат хўжаликлари пахта далаларида теримчилар билан учрашувлар ўтказилди. Касаба ходимлари ва фаоллари агросаноат мажмуи ходимларини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар ҳақида гапириб беришди. Теримчиларга қимматбаҳо совғалар ва пойабзаллар топширишди.

Шундай тадбирлар Чиноз, Пскент ва Ўртачирчиқ туманлари хўжаликларида ҳам ўтказилди. Пахтакорларга жами 6 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

## ДАЛАДА ЯНГРАГАН КУЙ

**Бугунги долзарб паллада пахтакорларнинг ёнида бўлиб, уларга маданий хизмат кўрсатиш, фидокорона меҳнатларини гўзал сўзлар, дилрабо куй ва қўшиқлар билан тараннум этиш ижодкор аҳлининг бурчидир.**

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган вилоят ташвиқот гуруҳи ҳам пахтакорларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» ширкат хўжалигида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ўқиган шеърлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қурсия Эсонова, хушовоз хонандалар Валижон Абдуллаев, Миразиз Муҳамедов ва Шаҳлобону ижро этган қўшиқлар қизғин кутиб олинди.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ.**

*Муносабат*

## ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР, ИМКОНИЯТЛАР

**Эркинлик қарор топган жойда ташаббускорлик туғилади, одамларда ўз имкониятлари ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш, турмушни яхшилаш, ҳаётни мазмунли ва гўзал қилишга рағбат пайдо бўлади.**

Истиқлол халқимизнинг азалий фазилати — ўз ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги билан маъмур, мазмунли, ҳалол яшаш, фарзандларини меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, ҳаётларини яхшилашга интилишларига кенг йўл очиб берди. Мамлакатда хусусий ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фирма ва корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликлари пайдо бўлиб, ривожлана бошлади, якка тадбиркорлик авж олди. Уни тартибга солиш, оқилона йўналтиришнинг қонунчилик асослари муттасил такомиллаштирилиши бу ҳаракатни кенгайтириш, самарадорлигини кўтариш учун янги-янги имкониятлар очди.

Афсуски, ёруғ ва мунаввар кунларга ҳар турли кўринишдаги соялар ҳам илашиб юради. Тадбиркорлик ҳаракатининг ривожланиш жараёнларида бу ақида ҳам яққол намоён бўлди, тадбиркорликнинг ривожи йўлидаги жиддий, хавфли тўғаноққа айланди. Бу ўринда давлатнинг назорат-бошқарув идораларида ўрнашиб олган айрим таъмагир, юлғич, порахўр ходимларнинг қонунбузарликлари, ўзбошимчаликларини назарда тутмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритуви субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгилаб қўйилган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, унинг устидан назоратни амалга ошириш тартиблари ва принципларига зид равишда улар мамлакат иқтисодиётида тобора кенг ўрин эгаллаб бораётган бу ташаббускорлик ҳаракати намоёндаларининг саъй-ҳаракатлари йўлида турли сунъий тўғаноқ ва ғоялар пайдо қилиб, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг кундалик ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш ва тижорат ишларига ғайриқонуний равишда аралашиш ҳоллари пайдо бўлди.

Албатта, ҳукумат раҳбарияти бундай ҳолатларни бартараф этишни кўзлаб, тегишли амалий чоралар кўрди. Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва унинг ҳудудий бўғинлари олиб борган кенг кўламли ишлар бу борада муҳим аҳамият касб этди. Турли назорат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, текширишларни биргаликда амалга ошириш анъанавий тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги янги Фармони билан таниша туриб, ана шуларни ўйладик. Ҳеч шубҳасиз, бу Фармонда белгиланган қоидалар ва чора-тадбирлар тадбиркорликни эркинлаштириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнида янги босқични белгилаб бермоқда. Эндиликда текширишлар кескин камайтирилади, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига оғишмай риоя қилиш учун барча даражадаги мансабдорларнинг масъулияти ва жавобгарлиги кучайтирилади. Фармонда шундай ёзиб қўйилган: «... назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто, жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар».

Бундан буён микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий фаолияти кўпи билан ҳар тўрт йилда, бошқа тадбиркорлик субъектлари эса кўпи билан ҳар уч йилда бир марта режа асосида текширилади. Янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширилмайди. Шунингдек, ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши турли ҳудудларда амалга ошириладиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳам қатъий равишда тартибга солинмоқда. Айни пайтда тадбиркорлик субъектларини текшириш натижалари бўйича жазо чораларини белгилашни ҳам қатъий тартибга солиш кўзда тутилаётир.

Назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш амалиёти устидан мунтазам прокуратура назорати кучайтирилиши эса, белгиланган тартибларга қатъий риоя этилиши, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари оғишмай ҳимоя қилинишини таъминлайди. Текширишларни мувофиқлаштириш яна ҳам жиддий тус олдирилади. Фақат фавқулодда ҳолатлардагина режадан ташқари текширишлар амалга оширилишига йўл қўйилади.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда тадбиркорликни эркинлаштириш, уни янада ривожлантириш йўлида янги қадамлар қўйилмоқда. Бу енгилликлар хусусий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари кескин ортишига имкон туғдиради. Янги иш жойлари вужудга келади. Ялпи ички маҳсулотда хусусий сектор ҳиссаси кескин кўтарилиб, истеъмол буюмлари бозорида рақобат кучаяди. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида хусусий тадбиркорлик кўлами кенгаяди, мамлакат молия-иқтисодий тараққиётининг янги сифат даражасига кўтарилади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

**2006 йил учун обуна давом этмоқда**
**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

# КОРЕЙС РАССОМЛАРИ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида учинчи Тошкент замонавий санъат биенналеси доирасида корейс рассомлари асарларининг кўргазмаси очилди.**

Кўргазмадан 60 га яқин ижодий ишлар жой олган. Жанубий корейялик мўйқалам усталари тасвирий санъатда нафақат замонавий йўналиш ва илғор усулларни, балки анъанавий классик графика – акварель бўёқлар, туш ҳамда хаттотлик элементларидан фойдаланилган расмларни намойиш этмоқда.

Таъкидлаш керакки, Тошкент биенналеси қатнашчилари орасида Жанубий Корея вакиллари энг катта гуруҳни ташкил этади. Анжуманда бу мамлакатдан 40 нафар рассом иштирок этмоқда. Шу сабабли, халқаро кўргазма ташкилотчилари уларга алоҳида кўргазма залини ажратишга қарор қилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Немис мусаввири Коринна Шниттнинг видеофильмлари замонавий санъат марказида ўтказилаётган Тошкент «Биеннале» кўргазмасида намойиш этилди.**

# НЕМИС МУСАВВИРИНИНГ ВИДЕОСАНЪАТИ

Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари инсонларнинг кундалик ҳаётий воқеа-ҳодисаларидан суратга олинган қисқа метражли видеофилмларни томоша қилишди.

К. Шнитт 1964 йилда Дуисбург шаҳрида туғилган. Айни вақтда Кёльн шаҳрида истиқомат қилади. У ўз асарлари билан тўқсонинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб кўпгина чет эл кўргазма ва танловларида иштирок этиб, бир қанча халқаро соврин ва стипендияларга сазовор бўлди.

К. Шнитт тошкентлик киночилар учун видеоарт бўйича мастер-класслар ўтказиш билан биргаликда, Германияда мазкур санъат йўналишидаги анъаналар хусусида ҳам сўзлаб берди.

**«Туркистон-пресс».**

*• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •*



# НАВБАТДАГИ РАҚИБ – ПЕШҚАДАМ!

**Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ томонидан ўтказилаётган жаҳон чемпионати қизғин давом этмоқда. Мусобақанинг олтинчи турида тўртта учрашувдан учтаси дуранг натижа билан якунланди.**

Чемпионатда барқарор ўйин кўрсатаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов мазкур турда венгриялик Петер Леко билан куч синашди. Оқ доналарда ҳаракат қилган ўзбекистонлик гроссмейстер учрашув давомида устунликни ўз томонида ушлаб турди. Бироқ, Рустам Қосимжонов уюштирган ҳужумлардан муваффақиятли ҳимояланган Петер Леко 43–юришда дуранг натижага эришди.

Айтиш жоизки, мусобақа пешқадами Веселин Топаловнинг (Болгария) ўйини кўплаб мухлису мутахассислар эътиборини жалб қилмоқда. Болгариялик гроссмейстер бешинчи учрашувни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди. Пешқадамга қарши оқ доналарда ўйнаган венгриялик Юдит Полгар 64–юришда рақибининг ғалабасини тан олишга мажбур бўлди.

В.Топаловнинг энг яқин таъқибчилари – Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ва Пётр Свидлер (Россия) ўртасидаги учрашувда томонлар муросага келди – 0,5:0,5. Чемпионатда ҳали ғалаба нашидасини сурмаган Майкл Адамс (Буюк Британия) ҳамда Александр Морозевич (Россия) ҳам дуранг ўйнади.

Жаҳон чемпионатида олтита учрашувдан бештасини ўз фойдасига ҳал қилиб, бир учрашувда дуранг ўйнаган Веселин Топалов етакчилик қилмоқда. Болгариялик гроссмейстер ҳисобида 5,5 очко бор. Кейинги икки поғонани бир хил – 3,5 тадан очко жамғарган Вишванатан Ананд ҳамда Пётр Свидлер эгаллаб турибди.

Амалдаги жаҳон чемпиони – Рустам Қосимжонов 3 очко билан тўртинчи поғонада бормоқда. Олтинчи турда ўзбекистонлик гроссмейстер билан дуранг ўйнаган Петер Леко 2,5 очко билан бешинчи ўринга кўтарилиб олди. Иккитадан очко жамғарган Юдит Полгар, Майкл Адамс ҳамда Александр Морозевич сўнгги ўринларда қайд этилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, биринчи давранинг сўнгги туридаги марказий учрашув мусобақа фаворити Веселин Топалов ҳамда жаҳон шахмат тожи соҳиби Рустам Қосимжонов ўртасида бўлади. Ушбу учрашувда Рустам қора доналарда ўйнайди.

Рустам Қосимжонов болгариялик шахматчи билан ўтган йили Триполида бўлган жаҳон чемпионатининг ярим финалида куч синашган эди. Ўшанда тўртта асосий партияда дуранг натижа – 2:2 ҳисоби қайд этилганди. Икки партиядан иборат «тайбрек»да, бўлажак жаҳон чемпиони – Рустам Қосимжоновнинг қўли баланд келган – 4:2.

Еттинчи турнинг қолган учрашувлари Александр Морозевич (Россия) – Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Петр Леко (Венгрия) – Майкл Адамс (Буюк Британия), Пётр Свидлер (Россия) – Юдит Полгар (Венгрия) жуфтликлари ўртасида бўлади.

Жаҳон чемпионати 16 октябрь куни якунланади.

**ЎзА.**

# Тошкентда кинологлар машғулоти

**Тошкентда Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларидаги махсус-қидирув итлари инструкторлари учун ўқув курси ўз ишини бошлайди.**

БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси маълумотига кўра, мазкур ўқув курси Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда чегараларни бошқариш бўйича «БОМКА» ва Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларни олдини олиш «КАДАП» дастурлари доирасида ўтказилади.

«БОМКА» дастури доирасидаги «Кинология хизматини мустаҳкамлаш» лойиҳасига кўра, Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларининг 32 нафар кинологи учун ҳудудий ўқув курси ташкил этилади.

Машғулотлар Европа Иттифоқи экспертларини жалб қилиш йўли билан марказ инструкторлари томонидан олиб борилади.

**«Туркистон-пресс».**

*Ҳаёт сабоқлари*

# АСҚАРБОБО НИМА ДЕЙДИ?

Қоринлар чалган «ҳуштак»нинг жағи ўчирилгач, ҳашарчилар бошлиғи ўрнидан ғоз турди-да, шундай деди:

— Буёғига чойхўрлик сизлардан, икки оғиз гап — мендан. Тушгача қирқ-эллик килограммдан пахта терганларнинг ота-бувасига тасанно! Хўш, мўмай пахта териш ўрнига гап сотиш билан ўзини ҳам, ён-веридагиларни ҳам теримдан қолдираётганларга, ўсиқ ажриқ кўрпачага ағанаб, осмондаги қушларни санаганларга нима деймиз, нима?! Шу ширкатчиларнинг оқсоқоли Асқарбобо мана ёнимда турибдилар. Шу кишидан икки оғиз эшитайлик. Ўзингиз ҳақингизда, тушгача терган пахтангиз ҳақида бир нима денг, отахон?

— Хўп бўлади, катта. Энди, болаларим, ёшим етмиш бирда. Мана шу бир пахса девордек бўлиб қолган ҳосилни етиштиришда мен ҳам пешона терини обдон сидирганман. Хирмонда пахта қуритишда ишлаб турувдим, кеча набирамнинг иссиғи чиқиб, уйга кириб борди. Хонадонимиз улушсиз қолмасин, деб бугун ўзим этак боғладим. Мўлжалим тушгача етмиш беш кило эди. Қариб қолибман. Бел қурғур ғилтинг-пилтинг қилаверди. Йўқ, гапга кирмаганига қўймадим. Хуллас, олтмиш уч кило тердим-да! Лекин эртага тушгача етмиш бешга етказмай қўймайман.

— Қойил! Собирбой, сен қанча тердинг?

— Э, қўйинг, катта ака...

— Айтавер, уялма.

— Олти кило.

Ҳамма кулиб юборди.

— Демак, олти килонинг ҳаммасини тергансан. Хўш, Кабирбой, энди сендан эшитсак.

— Э, мен Собирдан ўтиб кетдим. Тўққиз кило.

Яна кулги кўтарилди. Бошлиқ давом этди:

— Тўққиз кило эмиш! Уят! Ота, буларнинг гапларини эшитиб, соқолингизни силаганча носдан отиб юбордингиз. Шу бир отимни мана шу ёшларга қараб «туф» деб юборсангиз!

— Э, қўй, катта. Илоҳим, буларнинг ичида ҳам чўғ пайдо қилсин. Биласизларми, бу чўғ нима дегани? Ватанни севиб, унинг қудратини кўтариш, эртага одамларнинг ёғлиқроқ яшаши дегани. Шу чўғ бўлса, ёнингдаги одам ҳам, осмондаги қуш ҳам кўзингга кўринмайди. Чаноқларга ёпишиб кетасан, ёпишиб! Мен чўғи йўқларни ҳув анави кесакларга ўхшатаман.

Бу гаплар Собирбой билан Кабирбойнинг иссиғини чиқариб юборди. «Оббо, Асқар дангал-ей, бизни дангалига кесакка ўхшатиб юборди-я» пичирлади Собирбой.

Эртаси тонг билан улар теримга тушишар экан, кўзлари олазарак бўлиб, кечаги оқ пешонабоғли чолни қидирарди. Кабирбой энтикиб деди:

— Ҳайрият, дангал ота кўринмайди.

— Кўринмасин-а! Ишқилиб набираси соғайиб, теримга чиққан бўлсин-да. Агар ўзи келиб, айтганидай етмиш бешни терса, бизники эса, ярмига ҳам бормаса, тушлик расво бўлади деявер.

— Ҳа, тушликка бориш — яна ўсал бўлиш дегани. Кеча туфламаган носини бугун туфлаб юбориши аниқ.

Тушга яқинлашганда йигитларнинг бири йигирма уч, бири ўн тўққиз кило теришганидан қувониб туришувди, узоққа тикилиб қолган Кабирбой ваҳима қилди:

— Собир, кўргилигимиз қурсин. Дангал чол кептику! Хов ана, оқ пешонабоғли. Сой бўйида тераётган экан-да.

— Тўхта, эҳтимол, бу секинроқ терадиган бошқа чолдир. Бормаймизми?

— Кетдик.

Чигит чайнаганча хомуш бўлиб бораётган йигитлар бирданига қувончдан қўлларини кўтариб юборишди:

— Ў, чолни кўрсак, бувам дейдиган бўлиб қолибмиз. Ўзимизнинг Йўлдош-ку!

— Ҳой, пешонангни боғлаб, нақ ўтакамизни ёриб юбординг-а!

Собирбой ялт этиб хирмонга қаради. Асқар дангал шитоб билан пахта ағдарарди. Энтикканча хитоб қилди:

— Сизнинг жойингиз ўша хирмон, отахон! У ердан сира жилманг.

**Асхўжа ИНОҒОМОВ.**

*Шанба фельетони*



# АСОМ ҒАДАНГ ЗАҲАРХАНДАСИ

Асом ғаданг сўрига чиқиб, davра қаторига чўккалади.

— Ҳа, бахай, мулла Асомиддин? — ҳол сўради Ҳалим писмиқ. — Авжингиз ҳийла бошқачароқ шу топда?

— Э-э, қўйсангиз-чи, Ҳалимжон ака, — Ғаданг обдон чордана қуриб ўтириб олгач, Писмиққа жавоб берди. — Ана, қаранг, кўз ўнгингизда нималар қилишмаяпти ўзи?

Неча ойки, тумандаги МТП атрофидаги ҳангомалар оғиздан-оғизга кўчиб юрипти. Ҳали гараж ёнидан ўтиб келаётиб, ўзлари ҳам кўриб ўтишди ўша торт-тортларни. Асом ғадангнинг хуноби ошганича бор, бугун бинойидек ишлаб турган трактор эрталаб кўрсангиз — йўқ. Қанот чиқариб учиб кетдими, етти қават ернинг қаърига кириб, гум бўлдими, ҳеч ким билмайди.

— Биладиганлар бор, — деди Ғаданг пешонаси тиришиб. — Лекин бундайлар оғзига талқон солиб олган. Биладики, гуллаб қўйса, бошига минг бир балою маломатлар ёғилади.

Даврадагилар ўйлаб қолишди. Асом ғадангнинг ачинганича бор. Шу гаражда у қирқ йил қоровулчилик қилди. Бу устахоналар, бостирмаларда тургувчи ҳайдов ва чопиқ тракторлари унинг кўз ўнгида тикланиб-жамланган. Шу боис умуртқаси ачишади-да! Эл-юртнинг корига яраб турган қанча-қанча тракторлару комбайнларни, экиш-ўриш агрегатларини сув қилиб юборишди. Мана энди кейинги тўрт-беш йил ичида олинган хориж тракторларини ҳам изсиз йўқотишаяпти.

— Бундоқ қарасангиз, қатор бостирмалар ётипти вараңглаб, — деб қўйди Ғаданг ўзига узатилган пиёлани қўлига олаётиб. — Деҳқон ер ҳайдаса, тупкани тагидан тракторчи қидиради.

— Буларни бир чеккага қўйиб туринг, Асомжон, — деди умри доска чизиб ўтган Икром муаллим. — Мен куни кеча қўшни туман томонларни айланиб келдим. Бир пайтлари ишлаган мактабим жамоаси ҳар куз йўқлаб туради қовун-узум сайлига. Ўша томонларда эшитган гапларим ҳаловатимни ўғирлаб қўйди, билсангиз. Сиз 80-90-йилларнинг тракторлари йўқ қилиб юборилганини гапирасиз. Янгибозорда 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Кейс»ларни яроқсиз ҳолга келтириб, қисмларини ташмалаб кетиб, жамоага 703 минг сўмлик зиён етказишибди. Ана энди Юқоричирчиқ туман МТПси раҳбари билан бўлим бошлиғи вилоят прокуратурасида тергов бераётганмиш.

— Қўйсангиз-чи, Икромали, — қўлини пахса қилди Ғаданг, — Янгибозордаги ўғрилар ҳам ўғрими? Биласиз, тўнғич жияним милисанинг каттаси. Ўша гапириб келди. Бекобод МТПсидаги талон-торожликлар 13 миллион 54 минг сўмликдан ортиб кетганмиш.

— Ил-ло, бил-ло, — ёқасини силаб қўйди Самадбува, — шунчаликка ҳам боришадими, а? Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл-да!

— Соддасиз, Самадбува, гўлсиз, — пичинг қилди Писмиқ. — Ўғрию каззобда инсоф нима қилсин!

— Буни қарангки, юлғичлар бешта «Нива» комбайни, олтита чопиқ трактори, яна алла қанча экиш-тикиш машиналарини изсиз йўқ қилиб юборишибди, — бўлиниб қолган гапини давом эттирди Ғаданг. — Улар ўз хизмат муддатини ўтаб бўлмаган экан, ахир! Шундай бўлса ҳам ҳисобдан чиқариб, талон-торож қилишибди.

— Шунча қинғирликларни бир киши қандай уддалапти, а? — яна луқма ташлади Самадбува.

— Нафсиламбирига бир киши уддалай олмайди, — Ғаданг бўш чойнак қопқоғини шақиллатиб қўйди. — МТП бошлиғи шериклари билан терговчига жавоб беришяпти бугун. Улар тўрт киши эмиш. Мана энди ишлари судга тушиб турипти.

Ғаданг чойхоначи қўйиб кетган чойни қайтара бошлади. Даврадагиларни эшитилган гаплар юки эзиб қўйгандек эди. Ниҳоят, Ғаданг Самадбувага чой қуйиб узатди.

— Гаплар мана шунақа, бува, — деди ва нариги даврада ўтирган Ҳоким табибга ўгирилиб сўради. — Оҳангарон қишлоқларида ишлаб эдинг-а, бир пайтлар? — Тасдиқ жавобини олгач, даврага ўгирилиб, сўзини давом эттирди. — Ўша Оҳангаронда «Дўстлик» ширкат хўжалиги бор экан. Шунинг бош муҳандиси бир ўқ билан олти-етти қуённи урадиган абжир эмиш. Бўлмаса, ҳе йўқ, бе йўқ, 4,6 миллион сўмлик ДТ-70, Т-16 тракторлари, УАЗ-469 машинаси, қанчадан-қанча сеялкаю чопиқ техникаларини қандай сотиб юбора оларди? Шунча маблағни ўз эҳтиёжлари учун совуриб қўйиб, энди терговчи рўпарасида ўтирганмиш...

— Нима деган гап бу, а? — Самадбува сийрак соқолларини тутамлаб, атрофга олазарак кўз югуртирди.

— Бу дегани, бува, ўша ҳалиги гап дегани, — заҳарханда қилди Асом ғаданг. — Ўғри ўғрини тупканинг тагидан илғайди-ку! Илғадими, тил топишади-да, ҳамтовоқлар.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

# ОМОНМУРОДОВА – ЯРИМ ФИНАЛДА!

**Тошкент теннис марказида хотин-қизлар ўртасида теннис бўйича ўтказилаётган «Тошкент опен» анъанавий халқаро турнирида Ўзбекистоннинг бугунги энг кучли теннисчиси – Оқгул Омонмуродова мухлисларини хушнуд этмоқда.**

Яқинда Тошкент теннис марказида кетма-кет тўртинчи маротаба ўтказилган Осиё чемпионатида барча рақибаларини мағлубиятга учратиб, қитъа чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган умидли спортчимиз «Тошкент опен» турнирида ҳам бош совринни қўлга киритиши мумкин.

Дастлабки босқичларда украиналик Алёна Бондаренко ҳамда россиялик Галина Воскобоевани мағлубиятга учратиб, чорак финалгача етиб келган Оқгул Омонмуродова бу гал Россиянинг яна бир вакиласи – Елена Веснинага қарши кортга чиқди.

Кетма-кет кучли рақибаларини мағлуб этиб, мухлису мутахассислар эътиборига тушган Елена Веснина мусобақа мезбони – Оқгул Омонмуродовага ҳам жиддий қаршилик кўрсатди. Бироқ биринчи сетда ўзбекистонлик теннисчи 7:6 ҳисобида устун келди. Енгилишни истамаган россиялик спортчи иккинчи сетда Оқгулни 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энг кескин ва муросасиз кураш учинчи сетда кузатилди. Ҳал қилувчи сетни 7:6 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Оқгул Омонмуродова мусобақани давом эттирадиган бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Каҳрамон ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**




Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 8 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-14, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**ДП «Texno-Filter» ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
**Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации объявления. Адрес: ул. Мухиддинова, 1. Промзона «1-son TTEMZ». Тел.: 169-15-96, 169-15-97. Ликвидком.**

ЧП «INTOVED-SERVIS» Мирабадского района г.Ташкента (ОКПО 19855193) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации объявления. Тел.: 191-81-80.

Юнусобод туманидаги 271-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Рахмонбердиева Гулноза Тожибаевна номига берилган O'R-D 008744 рақамли 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# ЁШ МАҚОМЧИЛАР ТАНЛОВИ

**Республика ўқувчилар саройида ёш мақомчилар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб чиққан 150 нафар йигит-қиз иштирок этди.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад улғайиб келаётган авлодни азалий қадриятларимиз ва бебаҳо мусиқий меросимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, асрлар оша яшаб келаётган мақом санъатининг муносиб давомчиларини излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ёш мақомчилари жамоаси танловнинг олий совчини – гран-прига сазовор бўлди. Хоразм вилояти ва Республика ўқувчилар саройи ёш мақомчилари жамоаси эса биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар Грециянинг Афина шаҳрида ўтадиган анъанавий халқаро миллий-маданий фестивалда иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

**Б. ХИДИРОВА (ЎзА).**

*Қилмиш-қидирмиш*

**Киши ҳавойи орзулар гирдобига бўй эгса, нималар қилмайди, дейсиз. Бу йигитлар ҳам ҳою-ҳавас кўчасига кираётганларида, ўз енгилтакликлари охир-оқибат нималарга олиб бориши мумкинлигини ўйлашмади. Мана, энди қилмишларининг азобини нафақат ўзлари, балки бошқалар ҳам тортишяпти.**

# ҲОЮ-ҲАВАС ОҚИБАТИ

Уч оғайни ботирлар — Аъзам, Орзи ва Холбек соя-салқин тоғларга чиқиб ҳордиқ ёзмоқчи бўлишиб, Аъзамнинг опаси Комиланинг «Нексия»сини сўраб олишди.

— Опажон, шундай борамизу, ишимизни битириб қайтамиз, — деди Аъзам.

Уканинг раъйини қайтармаган опа фақат тезроқ келишларини уқтирди. Машина калити қўлга киргач, уч оғайни «раҳмат»ни насия қилиб, йўлга отланишди. Чорвоқда обдон маишат қилишди; эртаси тонг пайти Аъзам ҳали ухлаб ётганидан фойдаланиб, Холбек «Нексия»ни миниб, Орзи билан дала-ҳовлидан чиқиб кетди.

Машинани обдон ҳайдаб, хумордан чиққан икки дўст Холбекнинг холаси Муҳаббат опанинг уйига кириб овқатланишди. Хола Тошкент денгизининг нариги қирғоғида яшовчи онасининг уйига олиб бориб қўйишни илтимос қилиб қолди. Ҳавасманд ҳайдовчилар дарров рози бўлишди. Йўлда суҳбат қизиб, Холбек чалғиди. Олдинда бораётган машина бурилиш учун кескин тормоз берганида, Холбек шошилиб қолди, рулни ўнгга буриб юборди. «Нексия» пастликка ағдарилиб, дарахтга урилди...

Касалхонада ўзига келган Холбек машинада бораётган Орзи ва Муҳаббат оғир тан жароҳати олиб, аллақачон оламдан ўтишганини эшитди.

Ўзбошимча дўстлар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасдан, машинани катта тезликда ҳайдаб, автомобиль фалокатини содир этишди. Машинани олиб қочиш ва икки-уч соатлик кайф-сафо икки кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди.

Агар Холбек енгилтаклик қилмаганида бундай кўнгилсиз ҳодиса рўй бермаган бўларди. Холбуки, унинг ҳатто ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам йўқ эди. Машинани ҳам сўроқсиз ҳайдаб чиқиб кетди. Ўзбошимчалик ва енгилтаклик шундай оғир оқибатларга олиб келди.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг катта инспектори.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 2789. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5